ЛИБЕРАЛИЗМ МАФКУРАСИ ВА УНИНГ ГЕНЕЗИСИ

М.П.Юнусова

В статье рассмотрен генезис либералистских взглядов в общественно-политической мысли Запада, их суть и развитие; указаны важность их уяснения и применения с учетом национальной самобытности в процессе демократизации общества.

In this article the genesis libraryristic of sights in a political idea of West, their essence and development is considered; are specified importance them understanding and application in view of national originality in creation of a free society.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидан бири жамият сиёсий тизими ва давлат қурилишини эркинлаштириш эканлиги муносабати билан ўзбек олимлари томонидан либерализм ғояларини танқидий, ижодий ўрганишга, хусусан, унинг Шимолий Америка, Ғарбий Европа, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатлардаги

тараққиёти масалаларини таҳлил қилишга ҳаракат қилинмоқда. Шу билан бирга, либерализм ғояларини ҳақли равишда бошқа ғоявий қарашлар нуқтаи назаридан талқин этиш жараёнлари ҳам бошланиб, бу каби қиёсий таҳлиллар мамлакатимиздаги эркинлаштириш жараёнларини англашга шароит яратмоқда. Шу ҳолатдан келиб чиқиб, либерализм тушунчасини, унинг турли даврлардаги эволюциясини таҳлил этишга жазм этдик.

Маълумки, мумтоз (классик) либерализмга инглиз мутафаккирлари асос солган эдилар. XVIII асрнинг сўнгида Англия асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ривожланишнинг юқори босқичларига эришди. Шунга боғлиқ тарзда ўша даврда жамиятшунослик фанларида хусусий мулкчиликнинг умумий фаровонликдаги ўрни, уни ҳимоя этиш, шахс фаоллиги, хусусий ишлаб чиқариш соҳасидаги дахлсизлик кафолати каби муаммолар марказий ўринни эгаллади. Хусусий мулкдорлик ҳисси инсонга ғайрат-шижоат беради, уни ижтимоий фаолликка ундайди, деган қарашлар устун бўлди. Бундай янги қараш ўз ҳаракатини олдиндан ўйлаб, ҳисоблаб катта фойда олиш мумкинлиги ҳақидаги анъанавий бўлиб келган қарашлар билан тўлдирилди. Дарҳақиқат, ҳисоб-китоблар, олдиндан режа тузиб фаолият кўрсатиш катта имкониятлар яратади: индивидуал манфаатларни қондиришга интилишдан то ўз нуқтаи назарини бошқа индивидлар нуқтаи назарларига эътибор берган ҳолда ифодалашгача, шунингдек, шахсий эҳтиёжларини қондириш учун ўзгаларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришига ҳалал бермаслик шарти доирасида ҳаракат қилиш эркинлигини таъминлай олиш ҳақидаги қараш устивор бўлиб келди.

Бундай ғояларнинг қарор топиши ва оммалашишига Иерамия Бентам (1748-1832) катта ҳисса қўшди. У Гоббс ва Локк ғоялари, шунингдек, XVIII аср француз маърифатпарварлари: Гельвеций, Гольбах қарашларини чуқур ўрганиш асосида утилитаризм назариясига асос солди. Унинг асосини тўртта қоида ташкил этди: а) қониқиш олиш ва азобланишнинг олдини олиш инсоний фаолиятнинг моҳиятини ташкил этади; б) фойдалилик, яъни қандайдир масалани ечиш воситасини топа билиш имконияти барча ҳодисаларни баҳолашнинг энг аҳамиятли мезони; с) маънавият одамларга кўпроқ бахт, фаровонлик келтиришга йўналган кўпчилик томонидан яратилади; д) индивидуал ва умумий манфаатларни умумлаштириш йўли билан умумий фойдани кўпайтириш орқали инсониятни ривожлантириш мумкин[1.555-568]. Шуни айтиш керакки, бу қоидалар Бентамга сиёсий ҳаёт, давлат, ҳуқуқ, қонун ишлаб чиқариш каби соҳаларни таҳлил қилишда ҳам таянч бўлади. Унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари "Қонун ишлаб чиқариш принциплари", "Ҳукумат тўғрисида фрагментлар", "Барча давлатлар учун конституцион кодексдан бошланғич раҳбарлик", "Деонтология ёки ахлоқ ҳақидаги фан" каби асарларида ифодаланган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Бентам XIX асрда либерализмга асос солган мутафаккирлардан бири бўлиш билан бирга, ўз даврининг вакили ҳам эди. Ўша даврда либерализмнинг негизини шахс эркинлиги, жумладан, индивид фаолият ҳудудининг хусусий мулк ва сиёсий-ҳуқуқий тизим томонидан таъминланадиган автономлиги, индивиднинг ўз-ўзини ифодалаш эркинлиги каби қоидалар ташкил этган. Шу билан бирга, Бентам алоҳида олинган инсон ҳақидагина фикр юритиб қолмайди, у шахснинг хавфсизлиги, манфаатлари ҳимоясида жамият ва давлат институтларнинг ролига ҳам урғу беради. Шунга қарамай, унинг инсон ўз ғамини ўзи ейиши, ўз фаровонлигини ўзи таъминлаши, ташқи ёрдамга муҳтож бўлмаслиги лозим, деган қарашлари асосида худбинликни тарғиб қилаётгани кўзга ташланади. Ёки унинг фақат индивиднинг ўзигина ўз манфаатлари ва фойда нима эканлигини белгилаши лозим деган қарашини олайлик. Бу индивидларга фаолият эркинлигини бериш билан жамиятга кўпроқ фойда келтириш мумкин деган ноилмий фикрга олиб келади ва шундай бўлди ҳам. Бугунги кундаги бозор муносабатларининг шаклланиши даврида Бентам ғояларини ижодий ёндашган ҳолда, давримиз руҳиятидан келиб чиқиб қабул қилиш керак.

Инглиз либерализми асосчилари орасида Жон Стюарт Милль (1806-1873) алоҳида ажралиб туради. Уни янги давр либерализмининг асосчиси деб ҳам аташади. Унинг давлат ҳокимияти ва ҳуқуқ соҳасидаги эркинлик ҳақидаги қарашлари "Эркинлик ҳақида", "Вакилли идора этиш", "Сиёсий иқтисод асослари" каби асарларида мужассамланган.

Милль дастлабки ижодида Бетнам утилатаризмига хайрихоҳ бўлган бўлса, кейинроқ ундан узоқлашади. Жумладан, у Бентамнинг ахлоқийлик индивиднинг шахсий иқтисодий фойда олиш қоидасидан келиб чиқиб белгиланади, шунингдек, ҳар бир алоҳида олинган инсоннинг ўз шахсий манфаатини қондириши ўз-ўзидан ҳамманинг фаровон бўлишини таъминлайди, деган фикрини инкор этган. Миллнинг фикрича, шахсий бахтга эришиш тамойили ҳамиша ҳам ўзига йўл топа олмайди. Манфаатларни ўзаро келиштириш зарурияти фақат алоҳида индивидлар манфаатинигина эмас, балки ижтимоий манфаатларни ҳам назарда тутиши лозим.

Милль тушунчасидаги жамиятни сиёсий-ҳуқуқий қуриш моделида ахлоқий ва маънавий жиҳатлар устувор туради: “Мен энди сиёсий ташкилотларни танлашда моддий манфаатларга нисбатан кўпроқ маънавий ва тарбиявий нуқтаи назарларга қарай бошладим” [2.734-745]. Унинг фикрича, ахлоқийликнинг олий даражаси одамийлик бўлиб, бу фазилат бошқаларнинг бахт-саодати учун жамиятга фидоийлик билан хизмат қилишни талаб этади.

Лекин буларнинг барчаси эркин инсонга тааллуқлидир. Индивид эркинлиги эса, Милль фикрига кўра, сиёсий ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш кафолати бўлмоғи керак. Хуллас, эркинлик либерализм учун анъанавий бўлиб, унинг асосий жиҳатлари қуйидагилардир:

- шахс эркинлигини сақлаш ва унинг учун шарт-шароитлар яратиш;
- тартиб ва тараққиёт;
- оптимал сиёсий тузум;
- давлатнинг таъсир қилиш доирасининг чегараланганлиги ва ҳоказо.

Буюк француз инқилоби ғоялари асосида шаклланган янги капиталистик муносабатлар аста-секин ўз таъсирини ўтказа бошлади. Бу даврда саноат ва савдо билан шуғулланувчи ижтимоий гуруҳлар эски феодал тартибларни тугатиш, айрим табақалар имтиёзларига барҳам бериш, индивид эркинлигини таъминлаш, қонун олдида ҳамманинг тенг бўлиши каби талаблар билан чиқа бошладилар. Бу даврда шаклланган янги ўрта табақалар, хусусан, буржуазия табақаси мафкурачилари ҳам ўз ғояларини илгари сурдилар. Уларнинг ичида Б.Констан ва А.Токвиль алоҳида ажралиб турди.

Кўплаб олимлар Бенжамен Констанни **(**1767-1830**)** Европа либерализмининг руҳий асосчиси, деб ҳам атайдилар. Унинг “Конституцион сиёсат курси” номли асарида давлат тўғрисидаги либерализм таълимоти ифодаланган эди.

Шуниси диққатга сазоворки, Констан давлат умуман кучсиз бўлиши лозим, деб ҳисобловчи либерал зиёлилар сирасига кирмайди. Бу соҳада унинг талаблари бошқача: у ҳокимият институтларининг ижтимоий фойдалилигини қонунлар билан аниқ белгилаш ва қатъий равишдаги тадбирлар орқали ўрнатиш тарафдори. Жамият учун давлат ҳокимияти кўлами қанча зарур бўлса, унга шунчалик ваколатлар берилиши керак: “Ҳукумат ўз соҳасидан четга чиқиши керак эмас, аммо унинг ҳокимияти ўз соҳасида ҳеч бир чекланмаслиги лозим” [3.105-165].

Индивидуал эркинликни барча ҳуқуқий асослардаги воситалар билан таъминлаш ва уни ҳимоя қилишга доир қарашларни баён қилган назариётчилардан яна бири Констаннинг ватандоши Алексис де Токвилдир (1805-1859). Токвиль сиёсий концепциясининг шаклланишида машҳур тарихчи Франсуа Гизо асарларининг ўрни бор. Токвилни дунёга машҳур қилган “Америкадаги демократия тўғрисида” ва “Эски режим ва инқилоб” номли асарларида у, асосан, демократия муаммоларини таҳлил қилди. Бу соҳани у даврнинг энг аҳамиятли воқелиги деб қаради. Умуман, Токвиль демократияни кенг талқин қилган мутафаккирлар сирасига киради.

Шундан келиб чиққан ҳолда, аллома эркинлик шароитида яшаш инсондан мустақил бўлиш зурурияти билан боғлиқ ҳолда куч-ғайрат, катта уринишлар, ўз хатти-ҳаракати ва унинг оқибатлари учун маъсулиятни талаб этади, деб ҳисоблайди. Таъбир жоиз бўлса, эркинликдан фойдаланишнинг афзаллиги тезда билинмайди. Эркинликнинг юсак қониқиш олиб келишини кишиларнинг кенг доираси ҳис қилмайди. Шу маънода инсонлар кўп тер тўкишиб ва муттассил курашиб эркинликка нисбатан кўпроқ тенгликни севишга эришадилар. Бундай бўлишнинг сабаби шундаки “эркин яшашга ўрганишдан қийинроқ нарса йўқ”[4.712-720].

Токвиль фикрига кўра, эркинликнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, шахс эркинлик туфайли ўзини ҳаётда рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлади, ўзини жамиятнинг тараққий этишига бағишлайди. Шу билан бирга, Токвиль огоҳлантирадики, ортиқча хом ҳаёлларга берилиб, эркинликдан қандайдир мўжизалар кутмаслик лозим. Эркинликни қандайдир оз муддатда ҳар бир киши ва барчани тўлиб-тошиб ётган моддий ва бошқа бойликлар билан таъминлайдиган мўл-кўлчилик орзусига тенглаштириб бўлмайди: “Агар ким эркинликдан эркинликнинг ўзини эмас, балки қандайдир бошқа нарсани кутса, у қул бўлиш учун яратилгандир»[4.712-720].

Шу каби муаммоларни таҳлил этишда Токвиль Франция ва АҚШ мамлакатларидаги инқилобларнинг ва ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг тарихий тажрибаларини қиёсий ўрганди. Токвилнинг хулосаси шуки, демократия ва эркинликни таъминлашга ҳалал берувчи ҳолат давлат ҳокимиятининг ҳаддан ортиқ марказлашувидир. Ҳокимиятни ортиқча марказлаштиришни чеклаб, қатор сиёсий-ҳуқуқий чоралар орқали демократияга кенгроқ йўл очиб бериш зарур. Бундай усуллар сирасига ҳокимиятнинг бўлиниши, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини такомиллаштириш киради. Лекин, Токвилнинг фикрига кўра, бундан келиб чиқадиган халқ суверенитети ҳам чегарасиз эмас, яъни халқ хоҳиш-иродасининг устуворлиги ҳам меъёрдан ошиб кетмаслиги лозим. Бу чегаралар бузилса, тирания пайдо бўлади, кўпчилик тираниясига якка ҳукмдор тиранлигидан ҳеч бир кам эмас [4.715-720].

Биз сўз юритаётган даврда ғарб сиёсий фикриётида юз берган ғоявий ўзгаришлар доираси кенгайиб борди. Хусусан, XIX асрнинг биринчи ярмида **немис** либерализмнинг намояндалари Фридрих Дальман, Роберт фон Моль, Юлиус Фрёбель қарашлари ва фаолияти Германия сиёсий ва руҳий иқлимга сезиларли таъсир кўрсатди. Лекин, уларнинг сафида умумевропа аҳамиятига эга бўлган либерал ғоялар Вильгельм фон Гумбольдт ва Лоренц Штейнлар ижодида яққол кўзга ташланди.

Вильгельм фон Гумбольдт (1767-1835) таниқли файласуф И.Кант билан бир қаторда немис либерализми илк даврнинг машҳур намояндаси эди. Унинг "Давлат фаолияти чегарасини ўргатиш тажрибаси" номли асари 1851 йилга келиб нашр қилинди. Бу асарда Гумбольдт давлат ва инсоний индивидуализм нисбатини тадқиқ этган. Гумбольдт фикрига кўра, "давлат инсон учун кўпроқ қулай шароитларни вужудга келтириши зарур". Инсонлар ўртасидаги турлича ва мустаҳкам муносабатларда ҳар томонлама ривожланган индивидуаллик ва ўзига хос инсон "мен"и ана шундагина амалга ошиши мумкин [5.713-721].

Яна бир немис мутафаккири Лоренц Штейн (1818-1890) ҳам жамият, давлат, ҳуқуқ, бошқарув соҳаларида қатор фундаментал тадқиқотлар олиб борди. Унинг ёзган асарлари ичида "Францияда 1789 йилдан то ҳозирга қадар ижтимоий ҳаракатлар", "Бошқарув ҳақида таълимот", "Германия давлати ва ҳуқуқи тўғрисида ҳозирги давр ва келажак фанлари" кабилар жамиятни эркинлаштириш ғояларига бағишлангандир.

Ғарбий Европада саноат ва савдонинг ривожланиши, бозор муносабатларининг кенгайиб бориши, жамиятдаги ўрта мулкдорлар табақасининг мустаҳкамлаб бориши билан эркинлаштириш (либерализм) мафкураси ҳам шаклланиб борди. XIX асрга келиб бу мафкура таъсирли сиёсий ва интеллектуал оқимга айланди. Бу мафкуранинг тарафдорлари турли ижтимоий табақаларда бор эди. Лекин эркинлаштиришнинг асосий ижтимоий базаси, аввало, саноат ва савдо соҳасидаги ўрта тадбиркорлар, шунингдек, турли идораларнинг ўрта бўғин ходимларининг бир қисми, эркин касб эгалари ва университетларнинг олимлари эди. Бугунги кунда унинг ижтимоий асосини кўпроқ ўрта табақа ташкил этмоқда.

Классик либерализмнинг кўпроқ шахс ривожига қаратилган тамойиллари кейинги ижтимоий тараққиёт давомида ҳуқуқий давлат, конституциявийлик, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, вакиллик, ўзини ўзи бошқариш ғоялари билан бойиб борди [6;274-279]. Ана шу ғояларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича XX асрда каттагина тажриба тўпланди.

Эркинлаштириш ғоялари кейинги ярим аср ичида нафақат Шимолий Америка ва Европа, балки Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари жамияти ва давлат бошқаруви соҳаларига ҳам кириб бормоқда. Шунингдек, собиқ иттифоқ ҳудудида ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатлар, жамият институтлари ўзлари амалга ошираётган ислоҳотлар жараёнларига эркинлаштириш унсурларини олиб киришга интилмоқдалар.

Адабиётлар:

1. Бентам И. Принципы законодательства. В кн: Антология мировой политической мысли. В 5т. Т.1. Зарубежная политическая мысль: истоки и эволюция. – М.: Мысль, 1987
2 Милль Дж. С. О свободе. В кн: Антология мировой политической мысли. В 5т. Т.1. Зарубежная политическая мысль: истоки и эволюция. – М.: Мысль, 1987
3. История политических и правовых учений. – М.: ИНФРА, 1996
4. Токвиль А.Демократия и Америке. В кн: Антология мировой политической мысли. В 5 т. Т.1. Зарубежная политическая мысль: истоки и эволюция. – М.: Мысль, 1987
5. Гумбольтд В.Опыт устоновления пределов государственной деятельности. В кн: Антология мировой политической мысли. В 5 т. Т.1. Зарубежная политическая мысль: истоки и эволюция. – М.: Мысль, 1987
6. Челикова В. Либерализм. В кн.: 50/50: опыт словаря нового мышления.- М.: Прогресс, 1989

Андижон давлат университети,
2009 йил 2 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: с.ф.д. К.Юнусов)